

## МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР РИВОЖЛАНИШИДА ЎЙИН ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

*Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини  
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти  
“Мактабгача ва мусиқий таълим” кафедраси катта ўқитувчиси  
Каттаходжаева Шахлохон Боходировна*

Мактабгача таълим уйгун ривожланган шахсни тарбиялаш, болани бутун келажагини белгилаб берадиган билим ва қадриятларни ёш авлод қалбига сингдиришда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган муассасадир. Ўйин мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг асосий фаолияти у оркали бола шахс сифатида шаклланади ўйин боланинг ўкув меҳнат фаолияти кишиларга муносабатнинг қай даражада шакллантирилганлигини белгилаб беради. Ўйин болаларнинг жисмоний ривожланиши мактабгача таълим муассасасининг таълим-тарбия ишида болаларни ақлий аҳлоқий меҳнат ва эстетик тарбиялашда катта аҳамиятга эга жамиятнинг маънавий такомиллашуви унда амалга ошириладиган таълим-тарбия ишларининг мазмуни, шакл ва моҳиятига боғлиқдир. Мактабгача ёшдаги боланинг ўйин фаолияти мазмун жихатдан ҳар кунги вазиятга қараб ўзгариб туради. Ўйин ҳар доим ўзгариб турганлиги сабабли бола ўйнаб чарчамайди ва зерикмайди.

Мактабгача таълим ташкилотлари гурухидаги ривожланиш марказлари

Гурухдаги ривожланиш марказлари мактабгача ёшдаги болалар учун жуда муҳим бўлиб, жиҳозланган ривожланиш марказларидағи фаолият болаларнинг қизиқишлигини намоён этиш, атроф-оламни ихтиёрий равиша ўрганиш, борлиқ-дунёни ижодий тасаввур этишга ҳаракат қиласидилар.

Гурухдаги ривожланиш марказлари тарбиячи учун жуда муҳимдир, биринчидан, улар боланинг индивидуаллигини ва мактабгача боланинг мукаммал ривожланишини қўллаб-қувватлашда тарбиячи учун самарали ёрдамчи восита бўлиб хизмат қиласиди;

иккинчидан, улар болаларни фаол мақсадли ва хилма-хил фаолият турларида иштирок этишда кенг имкониятларни яратишни таъминлайди;

учинчидан, ривожланиш марказлари тарбиячига болалар фаолиятини ташкил қилиш учун маҳсус жой сифатида хизмат қиласиди ва таълим-тарбия жараёнига таъсир кўрсатади.

## Ривожланиш марказларида педагогнинг вазифаси

Педагог вазифаси болаларнинг ўзига хос хусусиятларини очиш ва уларни ривожлантиришга ёрдам бериш учун ривожланиш марказлари ва улардаги воситаларидан (жихоз, анжом, методик ёндашув) фойдаланишдир.

Шунинг учун ушбу даврда мактабгача таълим ташкилотида ушбу марказларни жихозлашга алоҳида эътибор қаратилади, унда боланинг ижодий фаолияти шакллантирилади ва ривожлантирилади.

Тарбиячи таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг турли инновацион, замонавий методлари, шакллари ва воситаларидан фойдаланиши керак.

Мактабгача таълим ташкилотларида тўғри ташкил этилган ва жихозланган ривожланиш марказлари қуидагиларни бажаради:

таълимий, ривожлантирувчи, тарбиявий ва рағбатлантирувчи вазифаларни;

а) мавзули режалаштириш таълим-тарбия фаолиятини олиб бориш жараёнида ривожланиш марказлари таркибидаги барча компонентлар (ўйинчоқлар, анжомлар, таълимий материаллар) ўзгаради, янгиланади ва тўлдирилади;

б) ривожланиш марказлари болаларнинг катталар билан ҳамкорликдаги (шунингдек, турли ёшдаги болалар гурӯҳи бўлса ундаги болалар) фаолиятларида ўзаро мулоқот қилиш, болаларнинг ҳаракат фаоллиги, шунингдек, болаларнинг бир-бирларига ёрдам бериш имкониятларини таъминлайди;

в) инклузив таълимни ташкил этишда унга зарурий шарт-шароитлар яратиш лозим;

г) таълимий-тарбиявий фаолиятни ташкил этишда миллий-маданий, иқлим шароитларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Ривожланиш марказларини ташкил этишнинг асосий талаблари “Илк-кадам” Давлат дастурини амалга ошириш ҳамда Илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларини бажаришдир.

Ривожланиш марказларида бир вақтнинг ўзида фаол мулоқот ва билиш-ижодий фаолиятга тарбияланувчиларни якка тартибда, шунингдек, кичик (алоҳида) гурӯҳларда жалб этиш мумкин. Ривожланиш марказлардаги етакчи фаолият – бу ўйин бўлиб, амалиётчи педагогларнинг ушбу фаолиятни кенг қўллашда кизиқишилари ортиб бормоқда.

Ривожланиш марказлари бола шахсини ривожлантириш омили сифатида

Ривожлантирувчи муҳит болаларнинг ёш имкониятлари, жинсий мойилликлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда яратилиши ва қун давомида бола ўзига ёқадиган нарсани топа оладиган тарзда тузилиши керак. Материалларни, дидактик ўйинларни, қўлланмаларни, болалар адабиётини танлашда болаларнинг турли даражадаги ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиш ва ҳар бир боланинг ижобий ривожланиши учун керакли тузатишни амалга оширишга ёрдам бериш керак. Болалар боғчасида ривожланиш муҳити нафақат болаларни кейинги таълимга тайёрлайдиган алоҳида мавзуули (тематик) бурчаклар ва зоналар тўплами, балки боланинг "яшаш жойи" бўлиб, у вақтнинг муҳим қисмини у эрда ўтказиши мумкин, ғояларини, қизиқишларини амалга ошириш. Атроф-муҳит ва қулайлик хавфсизлигига энг яхши гурухнинг ички қисмининг уй муҳити билан ўхшашлиги орқали эришилади. Бу давлат ташкилотлари таъсири остида юзага келадиган стрессдан халос бўлишга ёрдам беради, хавфсизлик, ишонч ҳисси яратади, боланинг муваффақиятли шахсий ва интеллектуал ривожланиши учун асос бўлган ижобий ҳиссий кайфиятнинг пайдо бўлиши ва мустаҳкамланиши учун шароит яратади. Гуруҳ майдони мактабгача ёшдаги болаларга бир вақтнинг ўзида бир-бири билан алоқа қилмасдан турли хил фаолият билан шуғулланиш имкониятини бериши керак. Бу ётоқхона ва гуруҳ хонасини раёнлаштиришга ёрдам беради. Алоҳида марказлар бир-биридан бўлимлар, бўшлиқлар билан ажратилиши мумкин. Алоҳида марказлар болага ўзи учун қизиқарли машғулотни танлашга ёрдам беради ва бошқа машғулотларга чалғимасдан, керакли ресурслар, ўйинчоқлар туфайли унга барқарор қизиқишни сақлаб қолади. Алоҳида марказларнинг жойлашуви бир фаолиятдан иккинчисига силлиқ ўтишга ҳисса қўшиши яхшироқdir. Когнитив қобилиятларни ривожлантиришни рағбатлантирадиган обьектлар турли функцисионал бўшлиқларда жойлашганлиги учун раёнлаштириш яхши ўйланган ва яратилиши керак.

Ўйин жараёнида болалар фаол фаолиятиниг психик тараққиёт учун аҳамияти шундаки, болаларнинг турли сифат ва вазифалари ўйин жараёнида фақат намоён бўлибгина қолмасдан бунда сифат ва вазифалар мустаҳкамланади. Шунинг учун психологик нуктаи назардан оқилона, яъни тўғри ташкил килинган ўйин бола шахсини ҳар томонлама ўстиради ва шу билан биргаболанинг бутун психик жараёнларида сезиш идрок дикқат хотира тафаккур хаёл ва иродани илдам ривожланишига ёрдам

беради. Ўйин ўз моҳияти жихатидан катта кишиларнинг хатти-харакатилари ва хулқ-атворлари гаол тақлид қилишдан иборат бўлиши туфайли болаларда маънавий сифатларнинг мустахкамланиши учун ва одоб-аҳлоқ қоидаларини билиб олишлари учун кенг имкониятлар беради. Мактабгача ёшдаги бола ўйин жараёнида шифокорлик ёки ўқитувчилик ролини бажараётган бўлса шу касбга тегишли бўлган барча сифатларни намоён қилишга харакат қиласди, улар ўйинга жуда берилиб кетсалар бажараётган ролига хос сифатлар шунчалик самимий ижодий тарзда намоён бўлади. Ўйиннинг аҳамияти бола шаҳсининг ўсиб қамолотга этишига таъсир кўрсатишдан иборатдир. Хар бир босқичда ўйин боланинг теварак атрофдаги дунёни ва кишилар ўртасидаги муносабатларни билиб олишни ифодалайди. Боланинг моддий дунёга кишиларга ўз-ўзига муносабати ўзгараётгани ўйинда намоён бўлади. Болаларнинг эхтиёжлари истак қизиқиши хаваслари бевосита ўйинда ифодаланади, уларнинг ҳаёлпарастлиги туфайли нарсалар ва кишилар дунёсини улар учун маъқул томонга ўзгартириш имкониятини берадиган фаолиятдир. Ўйин узок даврлардан бери машхур олимлар, педагог-психологлар, файласуфлар, социологлар, этнологлар ва маданият арбоблари дикқатини ўзига қаратиб келинган долзарб мавзудаги муаммолардан биридир.

Бола психикасининг тараққий этишида ўйиннинг роли бекиёсdir. Биз боланинг психик тараққиётини ўйин фаолиятисиз тасаввур қилишимиз қийин, чунки ўйин оркали бола фақат жисмоний томондан эмас балки психологик томондан ҳам ривожланади. Ўйин оркали бола оламни ундаги нарса ходисаларни улардаги хос хусусиятларни ўрганибгина қолмай, балки нутқ сўзлашишга мустақил фикрлашга ҳаёл қилишга ижод қилишга муомала маданиятига ўрганади.

Кўпчилик психологлар ва педагоглар ўйиннинг психологик масалалари билан бевосита шугулланиб ўйинларнинг болани психик камол топтиришдаги аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтганлар. Маълумки ўйин бола учун вокеликни акс эттиришдир. Бу вокелик болани куршаб турган воқеликдан анча қизиқарлидир.

Ўйинлар учун нонуштагача ва ундан кейин, машғулотлардан сўнг, сайрлардан сўнг, кечқурин уйга келишдан олдин вақт ажратилади. Эрталаб ўта харакатчанликни талаб қилмайдиган ўйинлар учун шароит яратиш мақсадга мувофиқдир. Мазмунан кўпроқ дидактик ўйинчоқлар стол устида ўйналадиган стол босма ўйинлари, сюжетли-ролли ўйинлар ўйнаган маъқул. Сайр давомида харакатли ўйинларни, қуриш-ясаш ўйинларини ташкил этиш фойдалидир. Кун тартибида ўйин учун маҳсус вақт белгилаш

ўйиннинг мустақил фаолият сифатида мавжуд бўлишининг ва уни болалар хаётини ташкил этиш шакли сифатида тарбия воситаси сифатида қўлланишингэнг мухим педагогик шартидир. Болалар ўйиннинг ўзига хослиги шундаки, у теварак атрофдаги хаётни кишиларнинг фаолияти ишлари харакатларини уларни иш жараёнидаги ўзаро муносабатларини акс эттиради.

**АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Содикова. Ш. Мактабгача педагогика. – Т: “Тафаккур бўстони”, 1992 й.
2. Хасанбоева О.У Мактабгача таълим педагогикаси Т: Илм зиё, 2006 й

